# Байтул-мақдиснинг обод бўлиши – Ясрибнинг хароб бўлишидир




11:31 / 29 июль 2504

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عُمْرَانُ بَيْتِ الْمَقْدِسِ، خَرَابُ يَثْرِبَ، وَخَرَابُ يَثْرِبَ خُرُوجُ الْمَلْحَمَةِ، وَخُرُوجُ الْمَلْحَمَةِ فَتْحُ الْقُسْطَنْطِينِيَّةِ،

وَفَتْحُ قُسْطَنْطِينِيَّةَ خُرُوجُ الدَّجَّالِ»، ثُمَّ ضَرَبَ بِيَدِهِ عَلَى فَخِذِ الَّذِي حَدَّثَهُ أَوْ مَنْكِبِهِ ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ هَذَا لَحَقٌّ كَمَا أَنَّكَ هَاهُنَا، أَوْ كَمَا أَنَّكَ قَاعِدٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом: **«Байтул-Мақдиснинг обод бўлиши Ясрибнинг хароб бўлишидир. Ясрибнинг хароб бўлиши – катта урушнинг бошланишидир. Катта урушнинг бошланиши – Қустантиниянинг фатҳ бўлишидир. Қустантиниянинг фатҳ бўлиши эса Дажжолнинг чиқишидир»**, дедилар. Сўнгра қўллари билан ўзлари гапираётган кишининг тиззаси ёки елкасига уриб, **«Бу – худди сенинг мана шу ердалигинг ёки худди сенинг бу ерда ўтирганингдек ҳақдир»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمَلْحَمَةُ الْكُبْرَى وَفَتْحُ

الْقُسْطَنْطِينِيَّةِ وَخُرُوجُ الدَّجَّالِ فِي سَبْعَةِ أَشْهُرٍ».

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Катта уруш, Қустантиниянинг фатҳи ва Дажжолнинг чиқиши етти сананинг давомидадир»**, дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ بُسْرٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «بَيْنَ الْمَلْحَمَةِ –الْعُظْمَى– وَفَتْحِ الْمَدِينَةِ سِتُّ سِنِينَ وَيَخْرُجُ الْمَسِيحُ الدَّجَّالُ فِي السَّابِعَةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Катта уруш билан Мадинанинг фатҳи ўртасида олти йил бор. Еттинчи йили Дажжол Масийҳ чиқади»**, дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган.*

***«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан***